

**Москва ва бутун Русь Патриархи КИРИЛЛнинг  
Рус Православ черковининг архипастирларга, пастырларга,  
диаконларга, монахларга ва барча содиқ фарзандларига  
Христос Туғилишнинг байрамидаги мактуби.**

Худо дунёга Ўзининг Ёлғиз Фарзанди орқали бизнинг хаётга эга бўлишимиз учун уни йўллагани туфайли Худонинг бизга муҳаббати очилди. (1 Ин. 4,9)

**Муқаддас архипастирлар, ҳурматли оталар, ҳурматга сазовор  
иноклар ва инокинялар, азиз ака-укалар ва опа-сингиллар!**

Худо Фарзандида гавдаланган пайдо бўлганлик борасидаги юракдаги тўлиб-тошган қувонч билан барчангизга мурожаат қиламан ва Худо ҳамда халоскоримиз Исо Масихнинг тириклиги ёрқин ва хаётбахш байрами билан сизларни табриклайман.

*“Ердаги тинчлик, инсонлардаги марҳамат учун юқоридаги Худого шон-шарафлар бўлсин!”* (Лк.2,14). Йилдан йилга Халоскорнинг бизга қатъиятли марҳаматини кўкларга кўтариб, биз Вифлиеем подачилари Фаришдан эшитган “барча инсонларга қаратилган олий қувончни” (Лк.2,10) ҳар доимгидан ҳам тезроқ маънавий манба билан Масихни кўриб тушунишга шошамиз, Унинг пайдо бўлишини шуҳратли пайғамбарлар олдиндан айтганлар ва кўпгина эр ва хотинлар кутганлар.

Мана, пайғамбар Аггейнинг сўзига кўра, барча халқлар томонидан Орзу қилинган ушбу зот (Агг.2,7) инсонларга хос бўлиб, кул образини қабул қилиб Ўзини ўзи барбод қилади (Флп.2,7). Олам Султони ўзини император саройига эмас, дунё ҳукмронлиги маконига ҳам эмас, бой ва зодагонлар қасрига ҳам бормайди ва уларни танламайди. Унга хатто меҳмонхонада ҳам жой йўқ. Худо фарзанди чорва учун мўлжалланган ғорда дунёга келади, Унга молларни озиқлантириш охири беланчак вазифасини бажаради.

Худонинг бойлиги порлаган ғордан-да, ночор ва йўрғакдан-да шикастанафс нима бор? Халос бўлишимизнинг Сирли ибодати учун энг сўнгги ночорликни танлаб, Исо Масих дунёмиздаги ўта муҳим саналган: ҳукмронлик, бойлик, шон-шуҳрат, оқсуяклик ва ижтимоий мавқе каби қадриятларни қабул қилмайди. У бизга хаётнинг бошқа қонунини, яъни мағрурлик ва хусуматни енгувчи итоаткорлик ва муҳаббат қонунини таклиф қилади. Ушбу қонунга мувофиқ, Худонинг марҳамати билан бирлашган инсоний заифлик дунёдаги мавжуд ҳукмронлик ва қудратга қарши туриб бўлмайдиган кучга айланади. Худонинг кучи ўзини дунёвий

улуғворлик ва фаровонликда намоён этмайди, балки у оддийлик ва юрак итоаткорлигида акс этади.

Серафим Саровскийнинг сўзига кўра, “Парвардигор юраклари Худога ва ўз яқинларига нисбатан тўлиб-тошган муҳаббатни излайди, - У керилиб ўтиришни яхши кўрадиган минбар мана шу... “Фарзандига, менга юрагингни берсанг, - дейди У, - бошқа барчасини мен ўзим сенга кўшиб кўяман”, негаки инсоният юрагига Худо салтанати жойлашади” (Христианлик ҳаёти мақсади ҳақида суҳбат). Худо қашшоқ ва бошпанаси йўқлардан хазар қилмайди, пули кам ва нуфузсиз ишга эгалардан жирканмайди, бундан ташқари, У жисмоний камчиликка эга ёки оғир беморларга бепарво бўлмайди. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан инсонни Худога яқинлаштирмайди ва узоқлаштирмайди ҳам, шунинг учун уни умидсизлик енгмаслиги ёки ҳалокатли тушкунликка сабаб бўлмаслиги керак. Халаскор бизнинг ўзимизни жазолайди. Ўғлим менинг! Қизим менинг! Менга ўз юрагингни бер, - деб чақиради У (Притч.23,26).

Исо Масихнинг туғилишига бағишланган ажиб байрам бизнинг ҳаётга эга бўлишимиз ва унга ортиғи билан эришишимиз учун келган Исо Масих ортидан оғишмай боришимиз зарурлигини бизнинг ёдимизга солади (Ин.10,10) ва Унинг ўзи ягона тўғри йўл ва ҳақиқат ҳамда ҳақиқий ҳаётдир (Ин. 14,6). Бизни муқаррар дуч келадиган машаққатлар даҳшатга солмайди, ва бизнинг қисматимизга тушувчи синашлар ҳеч биримизни енгмайди, чунки Худо биз билан! Худо биз билан экан ҳаётимиздан қурқув йўқолади. Худо биз билан экан руҳий ором ва қувончга эга бўламиз. Худо биз билан экан қатъий Унга ишонч ила биз дунёвий дарбадарликни амалга оширамиз.

Исо Масихни намоёиш қилиб инсон дунё офатларига қарши боради. У учрайдиган гуноҳларни эгалламайди ва қатъий тарзда ушбу йўлда турувчи гуноҳ тўсиқларини енгади. Ахир айнан гуноҳ бизни Худодан узоқлаштиради ва бизнинг ҳаётимизни ҳақиқатан аччиқ қилади. Айнан у Худо муҳаббати нурини тўсиб, бизларни турли мусибатларга дучор қилади ва бошқа инсонларга нисбатан юрагимизни шафқатсиз қилиб кўяди. Гуноҳ фақат Илоҳий Рух марҳамати билангина бартараф қилинади, у эса бизга Черков орқали берилади. Биз томондан қабул қилинадиган Худо кучи бизнинг ички дунёимизни ўзгартиради ҳамда Унинг иродаси билан ташқи дунёни ўзгартиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам у ёки

бу жихатдан черков якдиллигидан ажралувчи, ҳақиқатан ҳам куриб бораётган дарахтга хос ёқимли меваларни олиб келиш қобилиятини йўқотади.

Алоҳида фикримни бугун Украина аҳолисига қаратишни истардим. Украина юртида вужудга келган қон-қариндошлик қаршилиги юракларга нафрат уруғини сочиб, черков аҳлини айириши керак эмас. Ҳақиқий христиан ўзининг яқинларига ҳам, йироқларига ҳам нафрат кўзи билан қарамаслиги керак. “Эшитдингизми, - уни тингловчиларга Худо мурожаат қилади, - айтилишича: ўз яқинларингни сев ва душманларингдан нафратлан. Мен эса сизларга айтмоқчиман: душманларингизни севинг, ... Парвардигорнинг фарзандлари бўласиз, чунки У Ўзининг қуёшига жаҳолат ва раҳмдиллик устидан юксалишини буюради” (Мф.5,43-45). Халаскорнингубу сўзлари барчамиз учун ҳаётда қўлланма бўлсин ва бошқаларга нисбатан қаҳр ҳамда зидлик қалбимиздан ҳеч қачон жой олмасин.

Кўпмиллатли Рус Православ Черковининг барча аҳллари Ураинадаги адоватнинг тез кунда тўлиқ яқун топиши, уруш туфайли инсонларга келтирилган ҳам жисмоний, ҳам қалбий дард-аламларнинг давоси топилиши борасида ибодат қилишга чақираман. Ибодатхонада ҳам, уйда ҳам Худодан бу ҳақда чин дилдан сўраб қоламиз, шунингдек, мамлакатимиздан йироқда яшовчи ҳамда қуролли можаролардан азоб чекаётган христианлар ҳақиқа ҳам дуо қиламиз.

Ушбу Рождество нурафшон туниси ва кейинги табаррук кунларда кўпгина инсонпарварлик истагида дунёга келган бизнинг Халоскоримиз ва Худога тасаннолар айтамиз ва Уни кўкларга кўтарамиз. Инжил сеҳрларига ўхшаб Худо фарзанди Исо Масихга ўз инъомларимизни тақдим қиламиз: тилла ўрнига – самимий муҳаббатимизни, хушбўй шира ўрнига – илиқ ибодат, яқин ва йироқларимизга ёқимли ҳамда ғамхўрона муносабатни илинамиз.

Яна бир бор барчангизни, менинг қадрдонларим, сизларни Рождество ёрқин байрами билан, шунингдек, кириб келаётган Янги йил билан табриклайман, ибодат ила сизларга Буюкбағишловчи Худодан тўкин марҳамат ва олиҳимматлик тилайман. Омин.

**МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ**

**Исо Масих Туғилиши,**

**2015/2016 йиллар**

**Москва шаҳри**